

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2014-YIL 13-FEVRAL, PAYSHANBA, 19 (8256)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА «ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК» Х ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури"га мувофиқ "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа қатор идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган

ушбу кўргазмада ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ота-оналар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларни юксак маънавиятли, юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятли шахс этиб вояга етказиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-мақсадларини юзага чиқаришга кўмаклашиш давлатимиз

сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун юртимиз ёшлари халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари, фестивалъ ҳамда кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ўз қизиқиши ва интилишига мос тарзда касб-хунар

эгаллашига кўмаклашишда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, таълим тизимини такомиллаштириш, юртимизда замонавий билим масканлари барпо этиш, ёшларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

САҲИФАЛАРДА:



ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЖЎНАБ КЕТДИ **2**



ҲАМ ЭКОЛОГИК ТОЗА, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ФОЙДАЛИ **3**



ЭЗГУЛИК ҚУДУФИ **4**

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК



Отабек МИРСОАТОВ (ўзга) олган суратлар.

(Боши 1-саҳифада)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда барча соҳалар учун юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. 2005 йилдан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Таълим ва мутахассислик» халқаро кўргазмаси ҳам соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш, жумладан, мамлакатимиз ёшлари ва аҳолининг кенг қатламини юртимиз ҳамда хориждаги етакчи олий таълим муассасаларидаги мавжуд мутахассисликлар билан яқиндан таништириш баробарида юртимизда таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар, ўқув-методологик адабиётлар, замонавий ахборот технологияларини кенг тарғиб қилиш, ёшларга таълимнинг кейинги босқичи ҳамда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериш ва уларнинг бандлигини таъминлаш каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Кўргазмада мамлакатимиз олий ўқув юртлари, хорижий университетларнинг юртимиздаги филиаллари, ўқув марказлари, ижодий студиялар фаолияти билан атрофлича танишиш имконияти яратил-

ган. Хусусан, «Таълим» бўлимида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим, хусусий мактаблар ва болалар боғчалари, тил ўрганиш марказлари, ижодий клублар, студиялар фаолияти ҳақида атрофлича маълумот олиш мумкин. «Мутахассислик» бўлимида бизнес-таълим, чет элда ўқиш, хорижда тренинглари, таълим ва малака ошириш, масофавий таълим, малака ошириш институтлари, касбга йўналтириш ва аҳоли бандлиги марказлари фаолияти ҳақидаги стендлар ўрин олган.

– Хитой тилига жуда қизиқаман, – дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Элхон Тожибоев. – Ҳозирда лицейда ус-тозларимдан ушбу тилни мукамал ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Келажакда хитой филологияси бўйича ўқишни давом эттирмоқчиман. Ушбу кўргазмага олий ўқув юртларида чет тилларни, хусусан, хитой тилини ўқитиш жараёнлари ҳақида маълумот олиш мақсадида келдим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг замонавий талаблар асосида илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Бугун ёшларимизда хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ ҳар қачонгидан юқори, – дейди инглиз тили ўқувчиси Дилдора Халилова. – Айниқса, дарс жараёнида хорижий тилнинг ўзига хос томонларини зукколик билан ўрганаётган ўқувчиларга сабоқ бериш мароқли. Бу борада халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши эса ёшларимизда ўзлари қизиққан таълим йўналишлари бўйича тўлиқ тасаввур уйғотади.

Шу ўринда мазкур халқаро тадбирга ёшларимиз томонидан тобора қизиқиш ортаётгани, 2013 йилдан бошлаб кўргазма бир йилда икки марта ўтказилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

«Таълим ва мутахассислик» Халқаро кўргазмаси доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам бўлиб ўтмоқда. Унда касб-хунар коллежи битирувчилари, доимий меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли учун пойтахтимиздаги 140 га яқин корхона ва ташкилот, тадбиркорлик субъектлари томонидан 7800 дан ортиқ бўш иш ўрни тақлиф этилди. Шунингдек, «Кўшимча таълим» бўлимида пойтахтимиздаги ўқув марказлари ўз тақдимоти намоиш этишди.

– Ҳозирда «Ифатли келин» ўқув марказида тикувчиликни ўрганаётган, – дейди Хоразмлик Ойгул Болтаева. – Мазкур кўргазма қамровининг кенглиги, айниқса, иштирокчилар учун ўқув марказлари фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилаётганлиги барчага манзур бўлмоқда.

Тадбир доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни касб-хунарга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида бир қатор лойиҳалар тақдимоти ўтказилмоқда. Халқаро кўргазма бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

Гулноза ТУРҒУНБОВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

САЛОМАТЛИК УЧУН ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Жанубий Корея Республикасидаги бир қатор халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ишлар ҳам шулар жумласидандир. Ўтган йили мазкур давлатнинг Ин Ха университети госпитали малакали шифокорлари республикамизнинг турли ҳудудларида бўлишиб, 820 нафар беморни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Шунингдек, корейлик бир гуруҳ шифокорлар Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникасида кам таъминланган оилаларнинг бемор болаларини тиббий кўрикдан ўтказишди, 6 нафар бемор Корея Республикасида соғломлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Дастурга мувофиқ корейлик малакали шифокорлар жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишларни давом эттиришмоқда. Шу кунларда Жанубий Корея Республикасининг Ёнсей университетининг бир гуруҳ малакали шифокорлари республикамизга ташриф буюришиб, жойларда тиббий кўриклар ўтказишмоқда. Хорижлик шифокорлар тиббий кўриклар билан бир қаторда Тошкент тиббиёт педиатрия институтида шифокорлар, тиббиёт ходимлари, талаба ва магистрларга маърузалар ўқишмоқда.

Жанубий корейлик мутахассислар 16 февралга қадар юртимизда бўлиб, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази ҳамда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонасида ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишади.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ

Қашқадарё Вилояти

ФЕРМЕРНИНГ ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ

Касби туманидаги «Ғозиев Жўра Ғозиевич» фермер хўжалиги жамоаси туманимиз марказидаги «Дўстлик» МФЙ ҳудудида жойлашган ташландиқ бинони таъмирлаб, тикувчилик цехи ташкил этди.

10 та замонавий тикув машинаси олиб келиниб, саккиз нафар киши иш билан таъминланди. Айни пайтда «Чевар» номини олган тикувчилик цехида иш қизғин. Ушбу цехда жорий йилда 40 минг донага яқин маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Қолаверса, фермер хўжалигида автотомбилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам барпо этиляпти.

Хусан ТЕМИРОВ

▼ БАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Жиззах Вилояти

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЖўНАБ КЕТДИ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ота-оналар ва ҳарбий хизматчилар мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминланаётгани, аскар ва офицерларга яратилаётган имкониятлар тўғрисида фикр билдиришиб, хизматга отланган йигитларга оқ йўл тиладилар.

— Бугун набирам Абдулатиф Исроилов Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ учун жўнаб кетяпти, — дейди Зарбдор туманида яшовчи меҳнат фахрийси Кўйсиной Ашурова. — У ҳарбий хизматга бориш мақсадида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан ўзини аскарликка ҳозирлади. Шу боис, набирамни ҳеч иккиланмасдан, хотиржамлик билан кузатяпман. Ҳарбий қасамд қабул қиладиган чоғда набирам ёнига бориш ниятим бор. Илгари бундай шароитлар қаерда эди. Набирам муддатли ҳарбий хизматни тугаллагач, шартнома асосида хизмат қилиш мақсадини дилига туккан.



— Ҳарбий хизматга бориш учун алоҳида тайёргарлик кўрдим, — дейди Жиззах шаҳридан муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган Даврон Пардаев. — Спорт билан мунтазам шуғулланиб, мактабда олган билимларимни мустаҳкамладим. Кучли рақобат асосида кечган синовларда қўлим баланд келиб, кўпгина тенгдошларим орасидан менга аскар

бўлиш насиб этганидан гоёя шодман. Келгусида ҳарбий билим юртида ўқиш ниятим бор. Мен, албатта, офицер бўламан.

Тадбир якунида бўлғуси Ватан ҳимоячиларига давлат ва жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари топширилиб, концерт уюштирилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

ҳам экологик тоза, ҳам иқтисодий фойдали

Бундан 30-40 йил илгари қуёш ёки шамолдан энергия олиб, хонадону фермер хўжаликлариди ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида фойдаланиш мумкинлиги ҳеч кимнинг тасаввурига ҳам келмаган. Гўёки бунга эҳтиёж йўқдек эди. Аммо бугунги кунга келиб бир томондан, қазиб олинган ёқилги манбалари камайиб бораётгани, иккинчи томондан эса техника-технология тараққий этгани сари муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида эҳтиёж ортиб бормоқда. Натижада бундай қурилмалар ҳаётга кенг татбиқ этилаётир.

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳани янада тараққий эттириш ва уни амалиётга кенг жорий этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, юртимиз иқлим шароитида қуёш, шамол, биогаз сингари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Фармонда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва моддий-техник асослари аниқ белгилаб берилган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда экологик жиҳатдан тоза ва ишлаб чиқаришга тез жорий этиладиган қайта тикланувчи – қуёш, шамол, биогаз каби энергия манбаларига бўлган қизиқиш ва талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бу борада миллий ва жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб замонавий технологиялар ёрдамида қуёш, биогаз энергиялари ўзлаштирилиб, деҳқон ва фермер хўжаликлариди ҳамда кичик бизнес субъектлари корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасаларида мазкур энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда ҳудудларга энергия етказиб беришдаги муаммоларни бартараф этиш, деҳқону фермер хўжаликларини, шунингдек, аҳоли ўртасида электр энергиясидан тежамли фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

– Халқимизда “Излаган имкон топар” деган нақл бежиз айтилмаган, – дейди Қумқўрғон туманидаги “Мунчоктепа истиқболи” фермер хўжалиги раҳбари Марзия опа Исмоилова. – Қуёш батареялари бу имкониятларимизни янада кенгайтириб, энергияга бўлган талаб ва эҳтиёжларимизни қопламоқда. Фермер хўжалигимиз кўптармоқли. Ўтган йили пилла, галла ва пахтадан мўл ҳосил этиштириб, шартнома режасини ортиги билан уддаладик. “Микрокредитбанк”нинг Қумқўрғон филиалидан олган 55 миллион сўм кредит эвазига насли чорва моллар келти-

риб, улар бош сонини кўпайтирмоқдамиз. Чорва моллари учун озуқа етарли. Боғимизда етиштирилган олма, узум, шафтоли ва бошқа мева-сабзавотлар хўжалик аъзолари оиласини таъминламоқда. Қуёш батареяларини келтириб ўрнатиб, қўшимча тармоқларни анча ривожлантириб олдик. Келгусида бундай қурилмалардан яна олиб келмоқчимиз.

Бундан ташқари, 2011 йилда Шўрчи туманидаги 5-умумтаълим мактабига, Қизириқ туманидаги Охунбобоев номли, “Истара”, Бойсун туманидаги “Чилонзор” ва “Хўжабулғон” ҳамда Қумқўрғон туманидаги “Хўжамулки” қишлоқ врачлик пунктларига фотоэлектр станцияси ўрнатилди. 2012 йилда эса Шўрчи касб-хунар коллежига ҳам қуёш батареялари ўрнатилиб, улардан мунтазам равишда фойдаланиб келинаётир.

ҚУЛАЙ, ОДДИЙ ВА ИСТИҚБОЛЛИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизиди Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилиниши, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилиши, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясининг қурилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда афзалликлар берилиши, албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Республикаимиз ҳудудиди йилнинг аксарият кунлари қуёшлидир. Бундай табиий шaroит қайта тикланувчи энергия манбаларидан омилкорлик билан фойдаланишда жуда қўл келади. Фармон ижроси ўларок, деҳқону фермер хўжаликларини, таълим ва тиббиёт муассасаларига қуёш батареялари ўрнатилмоқда. Бу эса энергия мустақиллигини таъминлашга, атроф-муҳит экологик аҳолининг ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилиб, иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамламоқда.

Юртимизнинг иқлим ша-



роити, айниқса, қуёш энергиясидан оқилона фойдаланишда қўл келаётир. Қуёш энергияси – бу фойдаланишга қулай ва оддий, экологик нуқтани назардан истиқболли бўлган қайта тикланувчи энергия манбаидир.

– Ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келинаётган энергия манбалари асосан нефть, газ ва кўмир ресурслари ҳисобланади, аммо бу энергия манбаларининг захиралари чеклангани маълум, – дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида фаолият юритувчи республикада ягона қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни жорий қилишга ихтисослашган «Эко-энергия» илмий-таълимий маркази директори Мажид Хўжаев. – Жаҳон миқёсиди углеводород хомашёси захиралари камайиб бораётган ҳозирги шароитда муқобил энергия манбаларидан омилкорлик билан фойдаланиш, шунингдек, табиат неъматларига қараб қолмасдан ноанъанавий энергия соҳасини ривожлантириш ва уларни амалиётга тезроқ татбиқ этишни даврнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Эко-энергия» илмий – таълимий маркази 2005 йилдан бери мамлакатимизда қайта тикланадиган экологик тоза энергия манбаларини жорий қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб, марказий энергия манбаларидан узокда жойлашган ҳудудлардаги аҳолини, фермер ва деҳқон хўжаликларини, ижтимоий объектларни қуёш энергияси билан таъминламоқда, экологик тоза, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенг тарғибот-ташвиқот қилиб келмоқда.

Марказ томонидан бир қатор лойиҳалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Тош-

кент, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида ёритиш, тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлатиш, телевизор, радио, алоқа, кудуқлардан сув тортиш мақсадларида ишлатиладиган бир қатор қуёш фотоэлектр станциялари, шамол генераторлари, биогаз ва биоорганик ўғит олиш қурилмалари ўрнатилди ҳамда ишга туширилди.

Амалга оширилган ишларни рақамларда кўриб чиқсак. Биргина Обод турмуш йилида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Эко-энергия» илмий-таълимий маркази томонидан Фарғона вилоятида 8 та, Сурхондарё вилоятида 5 та, Самарқанд вилоятида 5 та, Қашқадарё вилоятида 4 та, Навоий вилоятида 3 та, Хоразм ва Бухоро вилоятларида 1 тадан қуёш фотоэлектр станциялари қишлоқ врачлик пунктлари, шифоналар, ўқув муассасаларига ўрнатилиб, ишга тушириб берилди. Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида 9 та, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида яна 2 тадан қуёш станциясини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Юқориди келтириб ўтилган мисолларнинг ўзи ҳам қуёш қурилмаларининг нақадар катта ижтимоий-иқтисодий, экологик аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бугунги кунда юртимизда биогаз ишлаб чиқарувчи қурилмалар деҳқону фермер хўжаликларини ёқилги ва экологик тоза ўғитлар билан таъминлашда асқотмоқда.

Биогаз қурилмаларида тайёрланган ўғитда озуқа моддалари одатдаги гўнгдагига нисбатан 15 % дан зиёдни ташкил этиб, унда гельминтлар, касаллик тарқатувчи бактериялар ва ёввойи ўтларнинг уруғлари бўлмайди.

Айтайлик, битта сигир гўнғидан 4,2 м³ биогаз, 1 м³ биогаздан эса 2 кВт. соатгача электр энергияси олиш мумкин. Қолаверса, биогаз техно-

логияларидан фойдаланиш – мазут, кўмир, электр энергиясини иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга, биогаз қурилмаларини жорий этиш чорвачилик ва паррандачилик фермалари, айниқса, уларнинг атрофидаги экологик муҳитни янада яхшилади.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, биогазнинг энергетика балансидаги улуши Австрияда – 12%, Швецияда – 18%, Финляндияда – 23%ни ташкил этади. Бу ўринда Хитой дунёда етакчилик қилиб келмоқда.

Мутахассисларимизнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатимизда биогазнинг ялпи потенциали фақатгина чорвачилик чиқиндилари бўйича 10 млрд. м³ дан ортиқроқ, унинг техник потенциали эса 5 млрд. м³ дан зиёд. Қаттиқ маиший чиқиндилардан олинган биогазнинг микдори ҳам бундан кам эмас.

Амалиёт шуни кўрсатадики, биоўғитлардан фойдаланиш ҳовузлардаги санитаргиеник ҳолатнинг оддий гўнғдан фойдаланишга нисбатан сезиларли яхшиланишига олиб келади. Биогаз қурилмаларида қайта ишланган гўнғ яхши озуқа ҳисобланиб, унда фойдали макро ва микроэлементлар, азот, фосфор ва калий парчаланган, осон ўзлаштириладиган ҳолатга ўтган бўлади.

Бундай ёндашув чиқиндилардан фойдаланиш кўрсаткичини самарали оширишни таъминлайди ҳамда биогаз технологияларидан қишлоқ жойларда интеграциялашган тизим ривожланиши учун янги имкониятларни яратди.

Сирасини айтганда, юртимизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, айниқса, қуёш энергияси ва биогаз ишлаб чиқариш технологияларини янада ривожлантириш иқтисодиётда ўсиш суръатларини оширишга, янги иш ўринлари яратишга, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Озод ОЧИЛОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

ЭЗГУЛИК ҚУДОУҒИ



Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни биргина миллий кино санъатимизни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган фильмларнинг аксарияти бадиий кўламининг кенглиги, миллий урф-одат ва қадриятларимизни ўзида акс эттира олганлиги ҳамда ёшлар онгини, маънавий оламини янада бойитишга сезиларли даражада қўшаётган ҳиссаси билан муҳим аҳамият касб этмоқда.



Яқинда Республика Киночилар уйи ва Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига кўра, “Ўзбекфильм” киностудиясида тасвирга олинган “Қудуқ” бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Мазкур фильмда мустабид тузум даврида қишлоқ аҳлининг ўта оғир ва мураккаб ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Бош қаҳрамон Элмурод тимсолида қишлоқдошлари учун қудуқ қазиб умрини ўтказиб қолган инсоннинг ҳаётини кечмишлари, унинг руҳиятидаги турли зиддиятлар акс эттирилган. Оққўнғил, ишонувчан бу инсон ўзига озор етказганларни ҳам осонгина кечириб юборади. Юрагида кек сақламайди. Шунинг учун ҳам қишлоқдошлари унга Лаллай, деб лақаб қўйишган. У ўз ишининг устаси. Меҳнат қилишдан қочмайди, ўзгаларга кўмаклашишдан хузурланади. Баъзан қилган меҳнати учун ҳақ ҳам олмайди, ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма ҳам қилмайди. Баъзи бир ноинсоф кимсалар табиатан содда ва самимий бўлган бу инсонга зулм ўтказишади. У умрининг асосий қисмини ҳам қишлоқлари учун қудуқ қазиб ўтказди. Айни шу жараёнларда ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлади, турфа хил табиатли одамлар билан мулоқотга ки-



ТАҚДИМОТ

ришади. Ҳаётнинг пасту баланд, ўнқир-чўнқир йўлларида баъзан зиддиятли, мушкул ҳолатларга ҳам тушиб қолади. Элмуроднинг қалбида изтироб бор эди. Боиси, унинг тўнғич ўғли оғир касалликка чалиниб, юра олмай қолган. Ночорликдан ўғлини вақтида шифокорга кўрсата олмаганидан кўнгли қаттиқ азият чекади. Бундай вазиятларда оқила ва сабр-қаноатли аёли унга тиргак бўлади. Лаллай ҳаётда кўрган-кечирганларини умумлаштириб, ўзича бир хулосага ҳам келади: “Умр бўйи тупроқ қовлаш билан андармон бўлиб, дунёнинг ўзгарганини сезмай қолибман. Одамлар ҳам аввалгидай эмас. Баъзи-

ларининг кўксига эзгулик қудуғи қурий бошлаганга ўхшайди. Мен шу қудуқлардан сув чиқараман, деб беҳуда уринаётганга ўхшайман...”

Лаллай ҳаёти давомида ўзи ахтарган ширин сувли қудуқни хонадони яқинидан топади. Шундан кейин ҳаётда кўрган қийинчиликлари, оғир синовларга яқин ясалади. Умри мобайнида инсонлар учун ҳалол меҳнат қилган, соддадил Лаллайнинг интилишлари уни эзгу мақсадлари рўёби сари ундайди.

– Фильм бўлиб ўтган ҳаётини воқелик асосида яратилди, – дейди сценарий муаллифи Фафур Шермуҳаммад. – Фильмда иккита гоа илгари сурилган. Унда бир томондан ўзбек хал-

қига хос бағрикенглик, самимийлик, ҳалоллик сингари қатор эзгу фазилатларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган бўлса, яна бир жиҳати, инсоннинг она табиатга етказган ноҳўя таъсири сабабли чучук сув билан боғлиқ турли муаммоларнинг юзага келиши ҳам акс эттирилган.

Мазкур фильмда Муҳаммадисо Абдулхайиров, Лола Элтоева, Абдухалил Мингноров, Юлдуз Ҳамидова, Фарҳод Худойбердиев каби элимиз суйган актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишганининг гувоҳи бўламиз.

– Фильмни суратга олиш ишлари Жиззах вилоятининг Фаллаорол тумани ҳудудида

айни ёзнинг жазирама кунларида тўғри келганди, – дейди фильм режиссёри Мансур Абдухалиқов. – Фильм оғир чўл шароитида суратга олинишига қарамасдан, ижодий жамоа, айниқса, актёр ва актрисалар қийинчиликлардан чўчимадан ишлади.

– “Қудуқ” фильмининг томоша қилатуриб, таъсирланганимдан кўзимга ёш олдим, – дейди томошабинлардан бири Гулбахор Жўраева. – Фильм томошабинларга маънавий озиқа бериши билан бирга, кишиларни эзгуликка, меҳнатсеварликка чорлайди. Ундаги воқеалар инсонни ўйлашга, реал ҳаёт ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Бундан ташқари, инсонлар қалбидаги одамийликнинг энг яхши фазилатлари жо бўлган рамзий маънодаги қудуқнинг қуриб қолмаслигига ишора қилади.

Фильм олдида томошабинларга янги “Сехрли қилич” мультфильми ҳам намойиш этилди.

**Наргиза ҲОТАМОВА,
Камола МУҲАММАДОВА.**

▼ ЭҲТИЁТ-ШАРТ

ЛОҚАЙДЛИК – КОНИ ЗАРАР

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқлари барқарор ривожланиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Хонадонлардаги уй-рўзгор буюмлари, маиший техника воситалари сони ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Улардан фойдаланишда эса электр энергияси муҳим аҳамият касб этади. Аммо электрдан фойдаланишнинг ҳам ўз қоидалари бор. Жумладан, унинг хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан газ ва электр идоралари ҳамда маҳаллий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, ўтказилган текширувлар жараёнида газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиб, ўз хонадон ва қўшниларига катта хавф солаётган фуқароларга зарур чоралар кўриляпти. Маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ташкиллаштирилиб, ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар ҳақида огоҳлантириш ишлари ҳам мунтазам олиб борилмоқда.

Маълумки, об-ҳавонинг совиб кетиши натижасида электр иситиш асбоб-ускуналарига бўлган эҳтиёж янада ортади. Бу эса, ўз навбатида, ёнғин-

лар сонининг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки 20-30 йил олдин барпо этилган иморатда электр монтаж ишлари ҳам ўша даврда мавжуд бўлган маиший техника воситаларига мўлжалланган бўлиб, бугунги кундаги ҳаёт эҳтиёжларига айланаётган маиший техника воситаларига талаб қилинадиган электр манбаини ушбу симлар кўтара олмаслиги натижасида электр симларининг қизиқ кетиши ва қисқа туташувлар содир бўлиши кузатилаётган. Натижада нафақат уйдаги моддий бойликларга зарар етмоқда, балки одамларнинг ҳаётига хавф солаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Содир бўлган ёнғинлар таҳлиliga назар соладиган бўлсак, уларнинг 25 фоизи айнан электр ускуналаридан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши сабабли бўлмоқда. Масалан, Хоразм вилояти Гурлан тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган “Ўктамбек” тўйхонасида электр сув иситиш печининг тунда назоратсиз қолдирилиши оқиб-



ЎЗА сурати

тида ёнғин содир бўлиб, бинонинг 250 кв.м. майдони ёниб, зарарланган. Шунингдек, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани “Шарқ тонги” маҳалласида яшовчи фуқаро Бадаловнинг уйида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, уйнинг 60 кв.м. майдони ва қўшнисига тегишли уйнинг 10 кв.м. майдони ёниб, зарарланишига сабаб бўлган.

Бундан кўриниб турибдики, ёнғинларнинг аксарияти эътиборсизлик ва

бепарволик сабабли юзага келмоқда. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилишга, электр иситиш мосламаларини назоратсиз қолдирмасликка алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, лоқайдлик катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

**Улуғбек ВАФОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги бош
бошқармаси муҳандиси, капитан.**

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 – 03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

Издано: 8 февраля 2014 г.

1. Азиатский банк развития (АБР) предоставил Республике Узбекистан мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села». Средства вышеупомянутого займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для нижеуказанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Заемного соглашения с Азиатским банком развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсному торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующим адресам:

Ташкентская область

Адрес: г.Ташкент, ул. Навойи 18.

Телефон: (8-371) 241-15-26.

Факс: (8-371) 241-15-32.

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык. Все разделы тендерной документации доступны также на узбекском языке, только для ознакомления. Все контракты будут заключены на русском языке.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Ташкентская область

Банк: ОАКБ «Узпромстройбанк»

Ташкентский областной филиал,

ИНН: 300017720,

Р/с: 20210000704546027001,

ОКОНХ: 84500

5. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и остальные документы, приведенные в тендерной документации. Технические и Ценовые предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

6. Техническое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.2 Тендерной документации:

- Письмо - техническое предложение;
- Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19;
- Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное пред-

ложение в соответствии с ИУТ 20.2;

- Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;

- Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;

- Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов Раздела 2.

7. Ценовое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.3 Тендерной документации:

- а) Письмо – ценовое предложение;
- б) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 12 и 14;

с) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

8. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

Участники торгов должны представить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть представлено в другом конверте, с отметкой ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Оба конверта содержащие оригинал технического и ценового предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями «ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ», «ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ».

Для технического и ценового предложения, отдельно, Участник торгов должен представить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы для участника торгов: Раздел-1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией Формы для участника торгов: Раздел-2 и ресурсную смету, входящих в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть представлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящиеся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождений между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать.

9. Прием конкурсных предложений осуществляется со стороны областных Территориальных консалтинговых центров по ценообразованию и конкурсным торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше конечного срока подачи предложений, который указан ниже. Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

10. Вскрытие конкурсных предложений состоит в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице, в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Хокимият Ташкентской области

Адрес: г. Ташкент, ул.

Мовароуннахр 17.

Телефон: +8 (371) 236-77-68

Факс: +8 (371) 236-77-68

11. Открытые форумы для заинтересованных подрядчиков будут проведены в соответствующих областных хокимиятах в 11:00, 14 февраля 2014 г. по адресам, указанным выше.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 – 03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

Издано: 8 февраля 2014 г.

№ лота	Область	Район	Массив	Кол-во домов в лоте	Номер домов по Лоту	Конечный срок подачи предложений
Ташкентская область						
778.	Ташкент	Бекабад	Гулистон	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	4 марта 2014 г., в 12:00
779.	Ташкент	Бекабад	Гулистон	12	13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24	4 марта 2014 г., в 12:00
780.	Ташкент	Бекабад	Гулистон	11	25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35	4 марта 2014 г., в 12:30
781.	Ташкент	Бука	Ачамайли	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 12:30
782.	Ташкент	Бука	Ачамайли	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	4 марта 2014 г., в 14:00
783.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 14:00
784.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	4 марта 2014 г., в 14:30
785.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	4 марта 2014 г., в 14:30
786.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	4 марта 2014 г., в 15:00
787.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	4 марта 2014 г., в 15:00
788.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	51,52,53,54,55,56,57,58,59,60	4 марта 2014 г., в 15:30
789.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	61,62,63,64,65,66,67,68,69,70	4 марта 2014 г., в 15:30
790.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	10	71,72,73,74,75,76,77,78,79,80	4 марта 2014 г., в 16:00
791.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	11	81,82,83,84,85,86,87,88,89,90,91	4 марта 2014 г., в 16:00
792.	Ташкент	Юкоричирчик	Ийк ота	11	92,93,94,95,96,97,98,99,100,101,102	4 марта 2014 г., в 16:30
793.	Ташкент	Юкоричирчик	Сергели	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 16:30
794.	Ташкент	Юкоричирчик	Сергели	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	4 марта 2014 г., в 17:00
795.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 17:00
796.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	4 марта 2014 г., в 17:30
797.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	4 марта 2014 г., в 17:30
798.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	4 марта 2014 г., в 18:00
799.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	4 марта 2014 г., в 18:00
800.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	51,52,53,54,55,56,57,58,59,60	4 марта 2014 г., в 18:30
801.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	10	61,62,63,64,65,66,67,68,69,70	4 марта 2014 г., в 18:30
802.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	9	71,72,73,74,75,76,77,78,79	4 марта 2014 г., в 19:00
803.	Ташкент	Юкоричирчик	Тоштугизок	9	80,81,82,83,84,85,86,87,88	4 марта 2014 г., в 19:00
804.	Ташкент	Юкоричирчик	Жавгашти	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 19:30
805.	Ташкент	Юкоричирчик	Жавгашти	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	4 марта 2014 г., в 19:30
806.	Ташкент	Юкоричирчик	Жавгашти	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	4 марта 2014 г., в 20:00
807.	Ташкент	Паркент	Гулбог	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	4 марта 2014 г., в 20:00
808.	Ташкент	Паркент	Гулбог	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 12:00
809.	Ташкент	Паркент	Гулбог	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	5 марта 2014 г., в 12:00
810.	Ташкент	Паркент	Ёшлик	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 12:30
811.	Ташкент	Паркент	Ёшлик	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 12:30
812.	Ташкент	Чиназ	Охунбобоев	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 14:00
813.	Ташкент	Чиназ	Охунбобоев	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 14:00
814.	Ташкент	Чиназ	Охунбобоев	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	5 марта 2014 г., в 14:30
815.	Ташкент	Зангиата	Ибрат	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 14:30
816.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 15:00
817.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 15:00
818.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	5 марта 2014 г., в 15:30
819.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	5 марта 2014 г., в 15:30
820.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	5 марта 2014 г., в 16:00
821.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	10	51,52,53,54,55,56,57,58,59,60	5 марта 2014 г., в 16:00
822.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	11	61,62,63,64,65,66,67,68,69,70,71	5 марта 2014 г., в 16:30
823.	Ташкент	Зангиата	Тошкент	12	72,73,74,75,76,77,78,79,80,81,82,83	5 марта 2014 г., в 16:30
824.	Ташкент	Зангиата	Кумарик	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	5 марта 2014 г., в 17:00
825.	Ташкент	Кибрай	Х.Амиров	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 17:00
826.	Ташкент	Кибрай	Х.Амиров	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 17:30
827.	Ташкент	Кибрай	Х.Амиров	11	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31	5 марта 2014 г., в 17:30
828.	Ташкент	Кибрай	Х.Амиров	11	32,33,34,35,36,37,38,39,40,41,42	5 марта 2014 г., в 18:00
829.	Ташкент	Кибрай	Х.Амиров	11	43,44,45,46,47,48,49,50,51,52,53	5 марта 2014 г., в 18:00
830.	Ташкент	Кибрай	Ёнарлик	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 18:30
831.	Ташкент	Кибрай	Ёнарлик	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 18:30
832.	Ташкент	Кибрай	Ёнарлик	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	5 марта 2014 г., в 19:00
833.	Ташкент	Кибрай	Ёнарлик	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	5 марта 2014 г., в 19:00
834.	Ташкент	Пскент	Дустлик	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	5 марта 2014 г., в 19:30
835.	Ташкент	Пскент	Дустлик	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	5 марта 2014 г., в 19:30
836.	Ташкент	Пскент	Дустлик	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	5 марта 2014 г., в 20:00
837.	Ташкент	Пскент	Дустлик	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	5 марта 2014 г., в 20:00
838.	Ташкент	Пскент	Дустлик	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	6 марта 2014 г., в 12:00
839.	Ташкент	Аккурган	1-булим	15	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15	6 марта 2014 г., в 12:00
840.	Ташкент	Куйичирчик	Мингчинон	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	6 марта 2014 г., в 12:30
841.	Ташкент	Куйичирчик	Мингчинон	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	6 марта 2014 г., в 12:30
842.	Ташкент	Охангарон	Убайт	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	6 марта 2014 г., в 13:00
843.	Ташкент	Охангарон	Убайт	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	6 марта 2014 г., в 13:00
844.	Ташкент	Янгийул	Намуна	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	6 марта 2014 г., в 13:30
845.	Ташкент	Янгийул	Намуна	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	6 марта 2014 г., в 13:30
846.	Ташкент	Янгийул	Намуна	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	6 марта 2014 г., в 14:00
847.	Ташкент	Янгийул	Намуна	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	6 марта 2014 г., в 14:00
Итого:				718		

Примечание: текст данного объявления первоначально был напечатан 2014 году 8 февраля в газете «Biznes daily» за №16 (1731).

